



Кувайтда халқаро Куръон мусобакаси бошланади

10 апрел куни Кувайтда 9-Халқаро Куръон мусобакаси бошланади. Вақф ва Дин ишлари бўйича вазир ўринбосари Фарид Эмодийга кўра, мусобака Амир Шайх Сабох Ал-Ахмад Ал-Жабир Ал-Сабох хомийлигида ўтади.

Вақф вазирлигининг Куръон ва Дин ишлари бўйича котиби ёрдамчиси Др. Валид Ал-Шуайб халқаро мусобакада 79 давлатдан келган 130 нафар даъвогар голиблик учун кураш олиб боришини айтди.

Халқаро мусобака мукофотини режалаш ва ривожлантириш кўмитаси раиси, Олий кўмита аъзоси Авад Нассир Ал-Кандари мукофот тўрт йўналиш, яъни, Куръонни хифз йўналиши бўйича тажвид билан ўқиш, ўн марта ўқиш билан Куръонни ёд олиш, Куръон тиловати йўналиши ва Куръони Каримни ёд олиш учун қўлланиладиган энг яхши техник лойиха учун берилишини айтди.

KUNA ахборот агентлиги хабарига кўра, Куръон мусобакаси мукофотларининг умумий миқдори 130.000 Кувайт динорини (\$433.000) ташкил этади.

Ундан аввал Кувайтнинг Адлия ва дин ишлари вазири Др. Фахад Ал-Афаси халқаро мусобакадан кўзланган мақсад араб ва мусулмон давлатларида яшовчи Куръони Каримни ёд олиш билан шугулланганлар орасида голибларни аниқлаш, ёш авлодга Куръон тиловати ва илмларини ўргатишда имомлар ролига эътиборни қаратиш, шунингдек, Куръони Каримни ёд олувчиларни рағбатлантиришдан иборат эканини айтган эди.